

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 23 (14,126) 8 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



[@Toshkent_oqshomi](https://www.instagram.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent oqshomi](https://www.facebook.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent Oqshomi_24](https://www.telegram.com/Toshkent_Oqshomi_24)

АНОНС



ОШИҒИ ОЛЧИ
ВАЙНЕРЛАР



НОҚОНУНИЙ
ТОВАРЛАР ТАҚДИРИ



ОЗИҚ-ОВҚАТ
МУАММОСИ



ҚАРОР ИЖРОСИ: ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида ҳар жабҳада ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, таълимнинг давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиши ёш авлодга бўлган эътиборнинг яққол намунасидир. Халқаро университетларнинг мамлакатимиздаги филиалларининг очилиши, Президент мактабларининг татбиқ этилиши, хусусий боғча ва мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини самарали йўлга қўйишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ таълим соҳасида қатор юқори кўрсаткичларга эришдик.

Жорий йилнинг 25 май куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қарорга мувофиқ, Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида умумий ўрта таълим мактаблари ташкил этилмоқда.

Юридик луғат

Давлат-хусусий шерикчилиги нима?

Давлат хусусий шерикчилиги – узоқ муддатли шартнома, битим. Бу битимнинг ўзига хос аломатлари шундан иборатки, лойиҳанинг хатари, молиявий манбалар ҳам хусусий сектор зиммасида бўлади. Давлатнинг талабидан келиб чиқиб лойиҳа мамлакатга киритилади. Лойиҳалар турига қараб асосан узоқ муддатли бўлади. Вақтлар ўтиб нархлар, истеъмолчилар, мамлакат демографияси ўзгаришини ҳисобга оладиган бўлса, пухта тайёрланган мураккаб режа талаб қилинади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида халқаро стандартларга жавоб берадиган умумий ўрта таълим мактабларини қуриш, уларга юқори даражада техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш, ўқувчиларга сифатли таълим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Осиё тараққиёт банки иштирокида 13 та мактаб қуриш режалаштирилган. 2023-2024 йилларга ривожланган лойиҳа доирасида Тошкент шаҳри ва вилоятида 13 860 та ўқувчи ҳамда 1300 та янги иш ўринлари яратилади. Қурилиш ишларини олиб бориш учун Тошкент шаҳридан Янгихаёт туманидан жой ажратилган. Тошкент вилоятдан эса Зангиота туманида 4 та, Ўрта Чирчиқ туманида 2 та, Қибрай туманида 3 та, Тошкент туманида 2 та ер участкалари ажратилган. Лойиҳани амалга ошириш учун 90 млн. АҚШ долларигача хусусий инвестицияларни жалб қилиш мумкин. Ташкил этиладиган умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудларига электр, газ, сув-оқова, автомобиль йўллари ва юқори тезликдаги инфратузилмаларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилган.

Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг, эришилган натижалар ва олинган ижобий тажрибаларни жорий қилиш ҳам кўзда тутилган. Ўрганишлар натижасида уни республиканинг бошқа ҳудудларда ҳам кенг татбиқ этиш таклифларини киритишлари ҳам белгилаб берилди.

Маълумот учун, Осиё тараққиёт банки – минтақавий банк бўлиб, 1995 йилда Ўзбекистон унга аъзо бўлган. Ҳозирда банкка 61 та давлат аъзо. ОТБ таркибига аъзо сифатида БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Осиё – Тинч океан комиссиясига аъзо бўлган давлатларгина кириши мумкин. Банкнинг асосий мақсади Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётига ва ташқи савдосига кўмаклашиши, молиявий, техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатишдан иборат. Банк хусусий секторни ривожлантиришга, минтақавий ҳамкорлик ва атроф-муҳит тозаллигини сақлашга алоҳида эътибор қаратади. ОТБнинг низом жамғармаси – 43,6 млрд. АҚШ долларига тенг. Америка ва Япония ҳамкорлиқда 1/3 овозга эга бўлиб, банкнинг ҳар қандай қарорини тўхтатиб қўйиши мумкин. Ҳар иккала давлатнинг 15,9 фоиз миқдорда жамғарма улушига эга. Банда ривожланган мамлакатларнинг улуши 50 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизнинг бу банкдаги квотаси 310 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ОТБ иштирокидаги умумий миқдори 625,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 13 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади



“БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ” ФЕСТИВАЛИ. СОВРИНДОРЛАРГА – 1500 ДОЛЛАРДАН 3500 ДОЛЛАРГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 371-сон қарори билан «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор мусиқа фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тасдиқланди, деб ёзмада Norma.uz.

Фестиваль 2019 йилдан бошлаб ҳар 2 йилда ёз пайтида бўлиб ўтади.

Ўртимизда миллий фольклор санъатини янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар орасида оммалаштириш ҳамда келажак авлодга миллий маданиятимизнинг ноёб элементини етказиш мақсадида Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор мусиқа фестивали ўтказилди. Фестиваль доирасида турли кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилди. Савол туғилади нега айнан фестиваль «Буюк ипак йўли» дея номланган?

Сабаби шундаки, Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврдан бошлаб, ривожланиш жараёнлари Буюк ипак йўли билан узвий боғлиқ бўлган ва шу сабабли ҳам «Буюк ипак йўли» деб номланган.

Мазкур фестивалга 12 га яқин хорижий давлатлардан фольклор санъатига доир 30 нафар мусиқа ижрочилари қизиқиш билдириб, ташриф буюришди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида фольклор жамоаларининг Халқаро кўрик-танлови ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди:

- Фольклор кўшиқ ижрочилиги бўйича:
 - 1-ўрин – Фарғона вилояти (3500 АҚШ доллари)
 - 2-ўрин – Жиззах вилояти (2500 АҚШ доллари)
 - 3-ўрин – Тожикистон Республикаси (1500 АҚШ доллари)
- Фольклор чолғу ижрочилиги бўйича:
 - 1-ўрин – Қозоғистон Республикаси (3500 АҚШ доллари)
 - 2-ўрин – Тошкент шаҳри (2500 АҚШ доллари)
 - 3-ўрин – Қирғизистон Республикаси (3500 АҚШ доллари)
- Фольклор рақс ижрочилиги бўйича:
 - 1-ўрин – Хоразм вилояти (3500 АҚШ доллари)
 - 2-ўрин – Бухоро вилояти (2500 АҚШ доллари)
 - 3-ўрин – Қорақалпоғистон Республикаси (1500 АҚШ доллари)

Дилнур МАМАСАФОЕВА тайёрлади



ЁЗДА БЎҒИМЛАРИМИЗНИ ҲИМОЯЛАШ ДАРКОРМИ?

Кўпчилик ёз ойларининг жазирама иссиқ кунлари суяк бўғим касалликлари мавжуд бўлган беморлар учун ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайди, деб ҳисоблайди. Лекин бу мутлоқ тўғри фикр эмас. Чунки иссиқ ҳаволи ёз фаслида ҳам суяк ва бўғим тизими сурункали касалликларида чалинган беморлар баъзи эслатмаларга амал қилишлари мақсадга мувофиқ. Биринчидан, ёз ойларида етарли даражада сув истеъмол қилмаслик, бўғимларда дегидратация яъни сув танқислигини юзага келтириб, бўғим юзаси тоғайининг тузилмавий ўзгаришларига олиб келади.

Бўғим тузилмаларида сув танқислиги оқибатида бўғим юзаларининг ишқаланиш кучи ортиши ва тоғай тўқимасининг гидравлик хусусиятлари камайиши юз беради. Бу ҳолат айниқса умуртқа поғонаси дисклари ва юклама тушадиган йирик бўғимларда яққолроқ сезилади. Ушбу нохуш ҳолатнинг олдини олиш мақсадида, ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан ичиладиган ичимлик сувининг миқдорини ҳам аста-секин ошириш мақсадга мувофиқ.

Ташқи ҳаво ҳарорати 30 даражадан ошса, кун давомида ичадиган одатдаги сув миқдорига ҳар 2-3 кунда камида 200 мл. сув қўшишингиз керак. Шиш мавжудлигига эътибор бериш муҳимдир. Агар кўп миқдорда сув ичганингиздан сўнг юзингиз шишиб қолса, демек, сизда буйраклар билан боғлиқ муаммолар мавжуд ва агар кечқурун оёқларингиз шишиб қолса, юрак-қон томир тизими касалликлари мавжудлигини истисно қилиш учун оилавий шифокорингизга мурожаат қилинг. Кейинги ўринда айтиш жоизки, ёз ойларининг иссиқ кунлари кўпчилик инсонлар учун дала ҳовли ёки томорқада экин экиш ва боғдорчилик, деҳқончилик ишлари билан шуғулланиш палласи ҳисобланади. Лекин ўта узоқ вақт давомида дам олишсиз бу ишлар билан шуғулланиш суяк ва бўғим тизими учун ортиқча зўриқиш ҳисобланади. Шунинг учун бу каби юмушларни амалга оширишда елвизакли шароитдан сақланиш, терлаганда нам кийимларни тез-тез алмаштириш, ишни бирдангина катта куч билан эмас, балки секинлик билан бошлаш, оғир юк кўтармаслик, узоқ вақт давомида битта вазиятда ишламаслик, қулай иш жиҳозлари (узун дастакли боғ ва дала анжомлари, қулай стул)ни ишлатиш, ҳар 15-20 дақиқада тиним олиш муҳим. Учунчидан, ёз ойларида кўп инсонлар спортнинг турли машғулоти ва сузишга кўпроқ эътибор беришади. Лекин шуни назарда тутиш керакки, сурункали бўғим ва суяк тизими касаллигига чалинган беморлар учун кескин ҳаракат талаб этувчи ва юкламали спорт турлари фойдадан кўра зарари кўпроқ бўлиши эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун бундай беморларга волейбол, баскетбол, велосипедда учиб, футбол сингари кескин ҳаракатли ва юкламали спорт турларидан кўра, даволовчи жисмоний тарбия, очиқ ҳавода сайр тавсия этилади. Сузиш ҳам эҳтиёткорлик билан, кескин ва шиддатли ҳаракатларсиз амалга оширилиши лозим.

Ва албатта шу ўринда, ёз ойларида витамин ва минералларга бой бўлган табиий маҳсулотларни тўлақонли истеъмол қилишни қанда қилмаслик (мева, сабзавотлар, сут маҳсулотлари) ҳар қандай сурункали касалликларни даволашнинг асосий мезонларидин бири ҳисобланади.

С.БУРАНОВА,
Тошкент тиббиёт академияси,
2-сон оилавий тиббиётда ички касалликлар
кафедраси ассистенти, PhD



ОШИҒИ-ОЛЧИ ВАЙНЕРЛАР

Сўнги йилларда бир неча янги касблар ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллай бошлади. Улар қандай иш билан шуғулланишини билмасак-да номларини кўп эшитганмиз. Бундан 10 йилларча аввал WhatsApp энг оммалашган ижтимоий тармоқлардан эди. Уч-тўрт йил ўтиб эса Telegram энг оммабоп тармоққа айланди. Охириги 2-3 йил ичида эса Instagram мактаб ва университетларда энг кўп фойдаланилаётган тармоқ бўлиб турибди, десак муболаға бўлмайди. Даярли ҳар куни “янги пост кўйдим”, “сторисингда мени ҳам белгила” каби жумлалар қўлогимизга чалинади. Бевосита ўзимиз ҳам бу жараёнда иштирок этамиз. Айнан Instagram “вайнер” номли янги сўзнинг муомаласага кириб келишида катта роль ўйнади. Асосан, ҳазил-мутойибага мойил видеолар, автомашиналар, ижтимоий муаммолар, мотивацион мавзуларга оид контент қилувчилар “блогер” ёки “вайнер” деб атала бошланди. Қўлгули бирор интервью ҳам ижтимоий тармоқларда тез тарқалиб вайнерлар учун тайёр янги мавзуга айланыпти. Телеканаллар ҳам ўз рейтинги учун айна интервьюларни саҳналаштираётгандек.

Бугун вайнерлар орасида машҳурликка эришганлари жуда кўп. Жумладан, jahongir_xo'jayev 5.2 миллион, dili.me, doniyorkeyumov1, liil.khuramov 3 миллион, bek_vines 2.1 миллион, abdurahmon_mufid 2 миллион, mitti.me, boburmansurov, elmurodhaqnazarov, salikh_prod, obidjon_nasriddinov каби вайнерлар 1 миллиондан ортиқ обуначига эга. Бундан ташқари, обуначилари миллионга етмаган sakhievvv, komolqohhorov1, alixonov__timur, tolaganoff, utkir_shodmonov ники остида ижод қилаётган вайнерлар видеолари ҳам кўп томоша қилинади. Обуначиси кўп бўлган яна бир қанча ник эгалари бор. Бироқ, улар бу ишга қўл ургунларига қадар танилиб улгурганлиги, асл касби актёр ёки қизиқчи бўлгани учун бу рўйхатга қўшмадик. Одамлар кўзига тушган вайнерлар клип ва фильмларга ҳам тез-тез тақлиф қилинмоқда. Айниқса, ўз видеолари билан турли замон образларини жонлантира олишини исботлаб қўйган вайнерларнинг хизматига эҳтиёж катта. Жумладан, dili.me Ҳамдам Собиров клипларида мунтазам равишда роль ўйнаб келмоқда.

Instagram кўпчилик учун имкониятлар эшигига айланди. Энди яхши даромад топиш учун ўша соҳада 4 йил давомида таълим олиш шарт эмас. Ўзингизга яқин ва ёққан мавзуда видео олинг ва ўз саҳифангизга ҳафтада икки-учта янги пост жойланг. Албатта томошабоплик ва сифатига эътиборлироқ бўлиш керак! Қарабсизки, бир неча ойдан сўнг сизнинг ҳам 50-100 минг атрофида обуначингиз бўлади.

Бугун кўплаб брендлар ўз маҳсулотларини вайнерлар орқали реклама қилишни маъқул кўришмоқда. Бу қарор яхши эффект бераётгани ва телевидениега қараганда бир неча баробар арзонлиги билан ўзини оқляпти. Вайнерлар эса бир дона реклама учун 200 доллардан 5 минг долларгача даромад топишмоқда.

Хўш, нега уларнинг обуначилари сони ортиб борапти? Биринчидан, қизиқарли гап ва саҳна кўринишлари учун бирор фильм премьераси ёки қизиқчи ва қўлгу жамоаларининг концертини йил бўйи кутиш шарт эмас. Ўзи ёқтирган бирор вайнернинг саҳифасига обуна бўлиш кифоя. Вайнерлар эса ана шу обуначиларни “ушлаб қолиш” учун ҳам ҳаракат қилмоқда. Ҳафтасига икки-учта видео ўз саҳифаларига жойлаб боришмоқда. Биргина янги пост суратга олиш учун кун бўйи банд бўлишмоқда. Рекламалар ҳам ҳазил орқали видео ичига жойлаб кетиляпти. Унинг реклама эканлигини эса зийрак томошабинларгина пайқай олишади. Бу эса телевидениедаги бир неча дақиқали рекламалардан безган томошабин учун айна муддао. Иккинчидан, хоҳлаймизми ёки йўқми аудиторияни бемаъни ҳазиллар кўпроқ жалб қилмоқда. Видеоларнинг аксарияти шундай турга мансуб. Учунчидан, томошабин катта ҳажмли фильм, видеолардан безган, замон тезлашмоқда, ҳатто хориз фильмларида ҳам динамика юқорилаб борапти. Энди томошабиннинг паст темпли медиа маҳсулотларни кўришга сабри етмаяпти. Ижтимоий тармоқ эса бу муаммони бартараф қилаётгандек.

Бироқ, бу видеолар бизга қанчалик зарур? Унинг жамиятга фойда ва зиёнлари нималардан иборат деган савол ҳам туғилади. Энг аввало, вақтни беҳуда сарфланишида Instagramнинг улуши катта. Бир неча дақиқа, деб кирган одам соатлаб тармоқда вақт сарфлайди. Айрим вайнерлар самимий дўстлик, болалик хотираларига доир ҳазиллар билан эътибор қозонган. Айримларининг асосий мавзуси эса, бемаъниликка асосланган. Айна видеоларнинг қузатувчилари ҳам афсуски, анчагина. Аммо, abdukarimmirzayev, muhammadali_eshonqulov, anvar_abduqayum, osmondagibolalarg каби мотивацион ва тарбиявий аҳамиятга эга видеолар улашадиган профилларни қузатувчилар ҳам сезиларли даражада кўп.

Шунингдек, ижтимоий тармоқ жумладан, Instagram кўплаб қўшиқчиларнинг танилиши учун қўлай маконга айланди. Кўйлаётган қўшиғини ўз саҳифасига жойлаш ҳам бепул, ҳам телевидениега нисбатан кўрилиш даражаси юқори. Бунинг устига пул сарфлаб клип олиш ҳам шарт эмас. Биргина гитара билан, шинам хона ёки табиат қўйнида қўшиқ кўйлаш етарли. Асосийси дилга яқин куйни топа оلسангиз кифоя. Достон Эргашев, Жалолиддин Аҳмадалиев, Муҳаммадзиев, Шохруҳ Эргашев, Миржалол Йўлчиев каби қўшиқчилар айнан шу тармоқлар ва шу йўл орқали халқнинг назарига тушишди. Улар орасида ҳатто телевидение орқали бирор мартаба кўриниш бермай, “Халқлар дўстлиги”дек муҳташам саройда концерт берганлари ҳам бор.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади

Шу ўринда “Улар ростдан ҳам вайнерми? Вайнер ўзи ким?” деган савол туғилади. Вине сўзи – “Vine” номли дастур билан боғлиқ бўлиб, ушбу дастурда намойиш қилинадиган 6 сониялик роликлар шундай аталган. Instagram ёки бошқа ижтимоий тармоқларда қўйилаётган видеоларни вине деб аташ эса аслида нотўғри. Бундай видеолар “скетч” деб номланади. Бироқ иккала турнинг ҳам асоси видеороликлар билан боғлиқлиги учун буни жиддий хато дейиш асоссиз бизнингча. Нима бўлганда ҳам ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари вайнер деганда асосан Instagramда ижод қилаётганларни тушунмоқда.



НОҚОНУНИЙ ТОВАРЛАР ТАҚДИРИ



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси иш юритувидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринда – Низом) ижроси билан боғлиқ ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг ўтган 6 оyi мобайнида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Низом ижроси билан боғлиқ жами 5.381 та 49 млрд. сўмлик ижро ҳужжатлари бошқарма иш юритувида келиб тушган бўлиб, шундан, 2.550 та ижро ҳужжатлари бўйича 6,6 млн. сўмлик товар моддий бойликлар (кейинги ўринда – ТМБ) ва далилий ашёлар йўқ қилинган бўлиб, 222 та ижро ҳужжатлари бўйича 15 млрд. сўмлик ТМБлар қонуний эгаларига қайтарилган.

Шунингдек, 355 та ижро ҳужжатлари бўйича 3,6 млрд. сўмлик ТМБлар сотилишига эришилган бўлиб, сотувдан келиб тушган пул маблағлари Низом талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон Фармонида асосан тақсимланган (Темир дафтар, Аёллар дафтари, Ёшлар дафтари, маҳаллий бюджет, мол-мулкни олиб қўйган орган, МИБни ривожлантириш жамғармаси). Қолдиқдаги ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳаракатлари давом этмоқда.



Яқинда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлган видео тарқалди. Тасвирларда мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб кириладиган телефон аппаратларининг уриб синдирилиши акс этган. Жамоатчилик вакилларида бу ҳолатга нисбатан салбий қарашлар мавжуд. Шу боисдан, барчани қизиқтирган саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани давлат ижрочиси, 2-даражали юрист Дониёр Йўлдошевга юзландик.

– Қандай маҳсулотларга контрафакт маҳсулотлар дейилади?

– Контрафакт маҳсулот – бу интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда ишлаб чиқарилган ва сотиладиган товарлар. Кўпинча ички истеъмол бозорида озик-овқат маҳсулотлари, маиший кимё, косметика ҳамда дори-дармон каби маҳсулотларга осон тақлид қилинган ҳолда қалбакилаштирилади ва ундан нусхалар олинади. Ишлаб чиқарувчилар қалбаки маҳсулот билан асл маҳсулот нусхалари ўртасидаги фарқни сезмайдиган даражада яратадилар.

– Контрафакт маҳсулотларни йўқ қилиш тартиби қандай?

– Давлат ижрочиси тегишли ижро ҳужжати олинган кундан бошлаб бир иш куни ичида ижро ишини кўзгайди ва Низом талабларига асосан мол-мулкни олиб қўйган ваколатли орган вакили, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи вакили, Санитария-эпидемиология хизмати органи вакили ва олиб қўйилган мол-мулкнинг сақланиши учун масъул шахсни (ташкилот вакили) йўқ қилиб ташлаш тадбирини амалга ошириш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилади.

Йўқ қилиш тадбири давомида ижро ҳужжатлари бўйича йўқ қилиниши белгиланган ТМБларнинг рўйхати асосида юқорида санаб ўтилган шахслар ҳамда камида икки нафар ҳолис гувоҳдан иборат таркибда тузиладиган комиссиянинг мажбурий тартибдаги иштирокида мазкур ТМБлар санокдан ўтказилиб, Санитария-эпидемиология хизмати ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган усулларда йўқ қилинади.

– Маҳсулотларни йўқ қилмасдан қайта ишлаб истеъмолга киритса бўладими? Тамаки маҳсулотлари ҳам ноқонуний деб топилганда ёқиб юборилади. Тегишли текширишлар ўтказилиб, фармацевтикада ишлатса бўлмайди?

– Мажбурий ижро бюроси органларининг асосий вазифаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ҳисобланиб, давлат ижрочисида унга келиб тушган суд ҳужжатини муҳокама қилиш ваколати мавжуд эмас, фақатгина ижро ҳужжатида ноаниқликлар мавжуд бўлгандагина ижро ҳужжатини берган судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи бор. Ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган мол-мулкнинг тақдири (давлат даромадига ўтказилиши, эгасига қайтарилиши ёки йўқ қилиб ташланиши) экспертиза хулосаси ҳамда бошқа асосларга кўра суд томонидан ҳал қилинади.

Қўшимча: Йўқ қилиб ташланган мол-мулкнинг ишлаб чиқаришда ёки иккиламчи қайта ишлашда фойдаланилиши мумкин бўлган чиқиндилар ва идишлари давлат даромадига ўтказилади ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёки иккиламчи хомашёни тўплаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкилотларга шартнома асосида сотилади.

– Контрафакт маҳсулотларни олиб кирган шахсларга қандай жазо чоралари кўрилади?

– Контрафакт маҳсулотларни олиб кирган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТК, Жиноят Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик масаласи кўриб чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда Мажбурий ижро бюроси, Судлар ва бошқа ваколатли органлар томонидан Низом талаблари асосида амалга ошириладиган мазкур тадбирларнинг асл мақсади, мамлакатимизда, истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсиз деб тан олинган ҳамда инсон соғлиги учун бевосита салбий таъсир кўрсатувчи ТМБлар ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузувчи контрафакт маҳсулотларни ноқонуний савдосини чеклашдир. Ёшларимиз ўртасида захарли иллат бўлиб бораётган психотроп моддалар истеъмолига ва ноқонуний савдосига чек қўйиш ҳамда бундай турдаги жиноятларнинг аввало олдини олиш энг асосий вазифамиздир.



ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ



Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар ўз долзарблигини асло йўқотмаган. Бунга аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаслик, мавжуд ер ва сув ресурсларидан чекланган миқдорда фойдаланиш сабаб бўлмоқда.

Озиқ-овқат етишмовчилигининг яна бир сабаби иқтисодий инқироз, қурғоқчилик ва ҳосилнинг кам йиғиштириб олинишида кўзга ташланмоқда. Шунингдек, айрим давлатлар озиқ-овқат маҳсулотларига баҳо белгилашда қўяётган хатоликлар ҳам озиқ-овқат муаммоларини келтириб чиқарган.

Бугунги кунда сайёрамиз аҳолиси тезлик билан кўпайиб бормоқда. Айни дамда ер юзидда 8 миллиард инсон истиқомат қилмоқда. БМТ таҳлилчиларининг сўзларига қараганда, яна 40 йилдан сўнг сайёрамиз аҳолиси 9 миллиард 300 миллион кишидан ошиб кетади. Асримиз охирига бориб эса аҳоли сони 10 миллиард кишидан ортиб кетиши мумкин. Бироқ туғилиш кўпайгудек бўлса бу рақам 15 миллиард кишига етиши эҳтимол бор.

Бу ҳақда БМТнинг Аҳолишунослик фонди маълум қилди. Тадқиқотчилар фаровонлик даражасининг ошиши, таълимдаги ислохотлар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида кўрилатган чора-тадбирлар самараси ўлароқ туғилиш камайиши мумкин деган қарашларни ҳам ўртага ташлашмоқда. Бундан 60 йил аввал бир аёлга ўртача 6 нафар бола тўғри келган бўлса, эндиликда бу рақам анча камайган. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда бир аёлга 1,7 бола тўғри келса, ривожланаётган мамлакатларда бир аёлга 4,2 нафар бола тўғри келади. Дунё бўйича бу рақам 2,5ни ташкил қилади.

БМТнинг Аҳолишунослик фонди маълумотларига қараганда, аҳоли сонининг ўсишига инсоният қўлга киритаётган муваффақиятлар бош омил бўлмоқда. Аҳолининг ўсиши Осиё ва Африка қитъалари ҳисобига бўлмоқда. Аҳоли сонининг ошиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ҳам ортиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Инсониятни боқиш учун 2050 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотларини ҳозиргига қараганда 80 фоиз кўп ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Таҳлилчилар озиқ-овқат маҳсулотларига

талаб ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ривожланган мамлакатлар ҳиссасига кўпроқ тўғри келишини таъкидлашади. Шунинг афсус билан таъкидлаш керакки, қашшоқ мамлакатларда аҳоли тўйиб овқат емаётган бир вақтда ривожланган мамлакатлар аҳолиси кўп овқат истеъмол қилишдан семириб кетмоқда.

Бугунги кунда ер юзидда 600 миллион аҳоли меъеридан кўп овқат истеъмол қилиши айтилади. АҚШ ҳиссасига юз миллион киши тўғри келади. Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида аҳоли кўп овқат еяётган бир вақтда ривожланаётган мамлакатларда овқатланиш яшаб қолишнинг бир имкони сифатида кўрилмақда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бугунги кунда сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизи тўйиб овқат емайди. Жаҳонда болалар ўлимнинг 55 фоизи тўйиб овқатланмаслик оқибатида юз бермоқда. Сайёрамизда тўйиб овқат емаётганлар сони йил сайин ошиб бормоқда.

Тўйиб овқат емаётганлар асосан Жанубий Америка, Африка ва Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Африка қитъаси ер юзиддаги энг қашшоқ минтақа сифатида тан олинган. Масалан, Сомали, Уганда, Чад, Мозамбик, Эфиопия каби мамлакатлар аҳолисининг 40 фоиздан кўпроғи тўйиб овқат емайди. Калорияси кам овқат ейдиган фуқаролар ҳам асосан Африка, Кариб ҳавзаси мамлакатларида истиқомат қилиши айтилади. Бу эса нафақат жисмоний ўсишни, балки ақлан ривожланишни ҳам тўхтатар экан. Алалоқибат бу каби ҳолатлар инсоннинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши руҳшунослар томонидан айтиб келинади. Масалан, ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили "А" витамини етишмаслиги оқибатида юз мингга яқин боланинг кўриш қобилияти сустлашиши таъкидланади.

Олимлар "экоцизмга зиён етказилмаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайтирилиши зарур", деган фикрларни айтишади. Бир қатор тадқиқотчилар инсоният ўсимликлардан иборат парҳез таомларга ўтиши лозим деган қарашларни ҳам ўртага ташлашмоқда. Шунингдек, нисбатан арзонга тушадиган товуқ каби парранда гўшларини етиштиришга ҳам катта аҳамият берилиши лозим деган таклифлар ҳам айтилади. Бир қатор

экспертлар эса, океаннинг биологик ресурсларидан фойдаланиш учун вақт етиб келганлигини айтишади.

Бироқ олимлар океанни асл ҳолича сақлаб қолиш учун уни тинч қўйиш кераклигини ҳам бот-бот таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, океан ресурсларидан шохма-шошарлик билан фойдаланиш экоцизмга зиён етказиши мумкин. Океан ресурсларига инсонларнинг аралашуви сув жониворларининг қирилиб кетишига сабаб бўлар экан. Олимлар жаҳон океанларида бир йилда энг кўпи билан 150-180 миллион тонна балиқ овланиши кераклигини айтишади. Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда бир йилда 100 миллион тонна балиқ овланади.

Бир гуруҳ таҳлилчилар ривожланган мамлакатларга мурожаат қилиб, "жаҳонда одамлар тўйиб овқатланмаётган бир вақтда биоёқилгилардан фойдаланишни тўхтатиш" лозим деган таклифни беришмоқда.

Шу билан бирга қашшоқ мамлакатлардаги ёшларни ишга жойлаштириш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасидаги мувозанатни излаш ҳамда одамларни бир юртдан иккинчи мамлакатга кўчиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳам асосий муаммолардан ҳисобланади. Биринчи навбатда ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий меҳнат бозорида ёшлар орасидаги ишсизлик даражасининг ошиб бораётгани, иш билан таъминланаётган ёшларнинг иш жойларидаги аҳволнинг ёмонлиги ҳам асосий муаммо сифатида кўрилмақда. Сўнгги ўн йилликда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлганларнинг ишсизлиги ошиб бормоқда. Шу билан бирга иш билан таъминланган юз миллионлаб ўсмирлар қашшоқликда яшаётгани ҳам тан олинади. Жаҳондаги ишсизларнинг тенг ярми ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса гиёҳвандларнинг кўпайиши ва ёш йигит-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли ҳам жаҳон мамлакатларининг ёшлари иш билан таъминланиш борасида юзага келган вазиятдан жиддий ташвишга тушиб қолишди ва вазиятни яхшилаш борасида жиддий чора-тадбирлар кўриш керак деган талаб ва таклифларни билдиришмоқда.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ



НАРГИЗА ЭРГАШЕВА:

“МАҚСАДИМИЗ — ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК УЛАШИШ”



Бугун ижтимоий тармоқлар фаоллашган бир пайтда одамлар телевизор кўришдан бироз йироқлашгандай, назаримизда. Экранда жиддий кўрсатувлардан кўра енгилроқ, саёзроқ дастурлар кўпроқ ўрин олган, дейиш мумкин. Бу аксарият хусусий телеканалларда кузатилади. Сабаби улар телеканал рейтингини биринчи ўринга кўйишади. Лекин ҳар бир телеканалнинг, ҳар бир кўрсатувнинг ўз мухлиси бор. Айтиш жоизки, маънавий-маърифий, дунёқарашни кенгайтирадиган, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид дастурларнинг томошабини ҳаммаша топилади. “Маҳалла” телеканалда эфирга узатилган “Одоб дурдоналари” кўрсатуви шулар жумласидан. Биз унинг муаллифи Наргиза Эргашевадан айрим саволларимизга жавоб олдик.

— Наргиза опа, “Одоб дурдоналари” кўрсатуви бугунги кун томошабинига нима беради?

— Тасаввуф аҳлининг қоидаларидан бирида: “Одоб бўлмагунча, Ҳақ ва халқ билан сайри сулук бўлмас”, дейилган.

Бугунги дунёга глобализм деган тушунча кириб келган. У ҳатто инсониятнинг маънавий ҳаётига ҳам дахл қилмоқда. “Оммавий маданият”, ёт ғоя ва мафкураларнинг кириб келиши ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсата бошлади. Маънавий бой, билимли кишигина ҳар қандай ғояни ўз тафаккури элагидан ўтказиб қабул қилади. Аммо бугунги кундаги “маънавий ғалвиримиз” қанчалик бутун? Ўйлайманки, ҳар қандай ёт ғоявий хуружларга ҳар биримиз ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатдан тарбия топган, диний ва дунёвий билимларга эга бўлган, ўзининг тарихи, қадриятлари ва маданияти билан қуролланган шахс сифатида жавоб бера олишимиз керак. Шу маънода кўрсатув концепциясида одоб-ахлоқ тамойилларининг ҳар бир бўғини эътиборга олинган. Ундан оила, фарзанд тарбияси, ота-онага эътибор, яхшилик, меҳр-оқибат, саҳийлик, ҳалоллик, силаи-раҳм, эзгулик, қўни-қўшничилик, катталарга ва устозларга ҳурмат, илм олиш, муомала маданияти, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга қаратилган қатор мавзулар ўрин олган.

— Назаримизда бугун одоб-ахлоққа оид кўрсатувдан кўра, енгил ва бачкана дастурларнинг томошабини кўпроқ...

— Енгил кўрсатувни ҳазм қилувчисининг қабул қилиш доираси ҳам енгил бўлади. Тафаккур қилувчи ҳар бир одам истеъмолчидир. У аввал маҳсулотни бир қараб чиқади, вазни кўтарса қабул қилади, бўлмаса йўқ. Томошабин кайфиятига ва вазнига қараб кўрсатув танлайди. Усти ялтироқ, мағзи пуч маҳсулотнинг ҳам ўз харидори бўлади. Айрим шоуларда эр-хотин, ака-ука, опа-сингил можаролари, мерос таллашиш каби ижтимоий масалалар студияга олиб чиқилапти. Сунъий бир хил кўринишдаги қиз-жувонлар, айрим аёлларнинг эри билан мулоқотдаги устунлиги, ота ва қизининг суҳбатлари, ёмон келин ва қайноналар саҳналарини экранга олиб чиқавериш томошабин дидини қотириб қўймадикмикан? Баъзи рекламалардаги оила даврасида эшитишга уяладиган сўзларга қулоқларимиз ўрганиб қолмаётими? Биз уларнинг миллий маънавийтимизга, қадриятларимизга ва руҳиятимизга сингиб кетишига йўл қўймадими керак. Ўзини билган томошабин уларни кўрмайди. Маданиятимизни гўзал ҳолатда тарғиб қилайлик. Раҳматлик онажоним беодоб ва бетарбия болаларни кўрсалар “эй, ота-бобонг қилган ишни қилсангчи, нима қиласан ўзингни шарманда қилиб?” деб танбеҳ берардилар. Шундай насихатлардан куч олиб, шарқона ва ижтимоий одобларимизни амалда кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

— Мавзуларни танлашда нималарга аҳамият берасиз?

— Бирор мавзуни ёритишдан аввал муаллиф сифатида албатта китобларга мурожаат қиламан. Мавзуларни бугунги ҳаётимиздан келиб чиқиб танлаймиз. Масалан, оила мавзуси. Афсуски, сўнгги вақтларда айрим катталар ҳам оила муқаддаслигини унутиб қўйишмоқда. Шунинг учун ажримлар кўпайган. Бегуноҳ болалар тирик етим бўлиб қолаётганини кўряпмиз. Бу фожиа. Шунингдек, ёшлар тарбияси, қариндошлар оқибати, илм олишнинг ҳикмати каби мавзуларга кўпроқ мурожаат қиламиз. Мухлислардан келадиган таклифларни ҳам инobatта оламиз. “Ўзбек

тилининг изоҳли луғати”да “Одоб — “адаб” (арабча)” деб ёзилган. “Адаб — адабиёт, яхши тарбия, маъқул ҳаракат, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги яхши ахлоқ, тарбия, хушмуомалалик”, дейилади. Манбаларда келтирилишича, одоб сўзи инсонларни маънавий зиёфатга, яхшиликка даъват қилмоқ, гўзал хулқ-атворга ундаш маъносини англади. Инсоннинг зийнати унинг ташқи кўринишида ёки бойлигида эмас, балки чиройли одобидадир. Ҳамма замонларда ҳам яхши хулқли, ширин сўзли, гўзал фазилатли инсонлар жамиятнинг кўрки бўлиб келган. Шунинг учун тайёрлаётган ҳар бир кўрсатувимиз томошабинга манфаатли ва хайрли бўлсин, деб дуо қиламан.

— Айнан одоб-ахлоққа оид кўрсатув муаллифи сифатида ёшларга айтадиган фикрларингиз борми?

— Ёшларга айтадиган гапларим кўп. Аввало вақтни ғанимат билинг, қадрланг. Мен ҳам ёш бўлганман. “Ҳали ёшман-ку, вақти келса ўрганиб оларман”, деган пайтларим бўлган. Гоҳида ўша зое кетган муддат бугун менга панд беради. Кўпроқ китоб ўқинг. Интернетдан эмас, ҳақиқий китобни қўлларингиз билан ҳис қилиб ўқинг. Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолманг. Бирор-бир хорижий тилни ўргансангиз яна яхши. Одамларни яхши кўринг, меҳрли ва саховатли бўлинг. Энг муҳими ким эканлигингизни унутманг. Динимиз кўрсатмалари ва қадриятларимизга амал қилинг. Ишонинг, шунда кўзлаган мақсадларингизга осон етишасиз.

Шуни таъкидлашим керакки, кўрсатувимиз тарбиявий аҳамиятга эга бўлгани учун ҳар бир ходим ўз вазифасини яхши билади. Тасвирга олиш ишлари бошланишидан олдин сценарий устида баҳслашиб оламиз. Режиссёримиз Алишер Абзаловнинг тажрибаси катта бўлгани учун маслаҳатига қулоқ тутамиз. Кўпинча тасвирчиларимизнинг ўтқир нигоҳлари билан сценарийдаги айрим саҳналарни ўзгартиришга тўғри келади. Асосий мақсадимиз — томошабинга кўримли маҳсулот бериш орқали уларга яхшилик улашиш.

Ғофур ЖАБИЕВ суҳбатлашди



Кўчқор НОРҚОБИЛ

ОФТОБ ОҒУШИДА ҚОЛГАН МУҲАББАТ

1

Баъзан ўйга толаман. Яратган тақдир тошини Инсоннинг ўз қўлига бериб қўярмикин-а? Ирғитасан, секингина. Лекин тош аллақадир, олис-олисларга бориб туриши ҳам мумкин. Масалан, Антрактидага ёки Санкт-Петербургда. Шундан кейин ҳам Ерни катта деб кўр-чи... Кичи-и-и-и-и-на-а.

Бу хикоя Ернинг катта-кичкилиги ҳақида эмас. Йўқ, мутлақ бошқа нарса ҳақида.

...Асқар "афғон" касал бўлди: озиб-тўзиб қолди — худди игнанинг тешигидан ўтадигандайгина. Кўзлари ёшоврайди. Ичини нимадир кемиради, нафаси қисиб, олам қоронғу тортади. Гавдасига оғирлик қилаётган боши қалтираб, чайқалади.

Билмагичлар: "...шўрликнинг дарди оғир, бу кўргулик қайдан ёпишди?..." дейишади. Билгичларнинг эса изтироби ичида: "Урушнинг касофати бу. Минг лаънат. Оғриги инсоннинг бошидан чиқиб кетмаскан-а, барибир. Бундан кейин навбат қайсимизники, қай биримиз ҳолдан тоямиз?..."

Бу савол шу даврадагиларнинг кўпчилиги ҳаёлида чарх ургани ҳам чин. Қайси давра демоқчимиз? Ёшлигини уруш "еган", эллик ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон уруш юқини кўтариб юрган қавми айтаяпман.

Бою камбағали теппа-тенг. Мансабу мартаба чақачўп. Бир-бирининг кўзига тик қарашади. Сенсирашади. Ҳақаммисан ё ҳокиммисан, ҳукуммисан ё туқиммисан фарқи йўқ, ўртада чегара ҳам йўқ. Ҳамма бирдай. Мулозамату манзиратнинг фирром ғавғоси бу давранинг ғалвирига тўғри келмайди. Чунки, булар ўзларини ҳаётни яшаб кўйган каби ҳис қилишади, ҳу-у-в, ўшанда ўлиб кетишганда нима бўларди? Ўн саккиз-ийгирма ёшида. Ўзга юртда. Жангу жадалда. Афғонда...

Улар, шу даврадагилар кейинги ҳаёти, ҳозир яшаётган умрини ўша кунлардан омонатга, қарзга олингани, тақдирнинг буюк инояти ила жонлари гаровга қолганлигини ҳис қилишарди. Шунинг учун бу дунёнинг ўткинчи тўс-тўполонлари билан чувалашиб-чувиллаб ётишнинг не ҳожати бор? Бу даҳри-дунда савдодий-садовийлик, яъни, ғурбату ғанимбозлик не даркор? Шундай ғалати ўй ҳар бирининг хаёлига ўрнашиб қолган эди, десам ишонаверинг.

Ахир улар ўлим билан олишган, энди, бу замонда иту бит билан ғажолаб ётиш кулгули ва аянчли эмасми? Садқаи сар!

Икки ойда бир, сўнги якшанбада водийу воҳа, Тошкенту Нукус, хуллас, юртнинг ҳар ҳудудига ризқи сочилган қуролдошлар давра қуришади, "гап" ейишади. Шу давра бугун бир қалқди. Эрматнинг гапи хандаққа тушган снаряддай портлади:

— Асқардан хабарларинг бор-а, ўламан, деб ётибди. Даволатишимиз керак. Ернинг киндигида бўлса ҳам зўр дўхтир топиш лозим, — деди у.

"Портлаш"дан сўнг бирдан жимлик чўқди. Худди жанг олдидаги ваҳимали сукунат ичра ўлим шамоли эсиб ўтгандай бўлди. Ҳаммининг-нигоҳи Эрматда.

Эрмат:

— Ҳар ким толганини беради! Бериши шарт!

Бу буйруқ эди.

— М-м-м, да-а-а-а... Йиғамиз. Рўйхатни мен тузаман, — деди Қодир мерган. — Ўзим минг доллар бера оламан.

Давра чайқалди: "Мен беш юз, мен минг, мен икки юз, мен юз..."

Гарчанд ушбу гап-гаштакнинг пойида ўтирган бўлса-да, Раҳимнинг дамига довучча пишарди, бу атрофда ундан ўтадигани йўқ, бойлиги бойўғлини ўйнатарди.

— Сен-чи, Раҳимбой? Ҳимматингга Ҳимолай ҳавас қилгур, ўзинг ҳам бир нима дегин. — Эрматнинг эрканавоз илмоғи Раҳимбойга ҳуш ёқди. У бу "ялангоёқ-ялангўшлар"нинг ҳадди-ҳимматидан яйраб ўтирганди.

— Тубканинг туби бўлса ҳам йўл ва шифохона харажани ўзим кўтараман, — деди қатъий оҳангда.

— Тўғри қиласан-е, агар ўшанда шу Асқар бўлмаганда, сенинг чала ўлигини жаҳаннамдан кўтариб чиқмаганда, бундай бойиб, донинг Доғистонни довдиратиб юрмасдинг, — қарсиллатиб гап сопқонини бўшатди Жовли чечан.

Эрмат унга ўқрайди. Кимдир атайлаб йўтал тутди қилди — уҳилади. Бошқа биров шақиллатиб чойнак қопқоғини ўйнай бошлади. Қодир қўлидаги рўйхатдан кўз узмайди, худди унга сеҳрланиб, тикилиб қолгандай. Раҳим ўзини ғазабланганга олиб қирғий қараш қилди. Жовлининг ёнида ўтирган Тўлқин танк

эшик томон секин сурилди, Қудрат дудук ҳам ўзини дераза томон тортди.

— От! Отавер. Шишани от! Олашақшақни бир ўзи рўпарангда турибди, — Қудрат Раҳимбойни тезлаган бўлди.

— Отсин-чи, нима қиларканман. Қўлини тишлаб, ғажиб ташларман, — бой бўлса ўзига, — ёлғон дўқ қилди Жовли.

Раҳимбой бироз жим турди. Сўнг... Қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди.

— Афғонда сенинг оғзинга ўқ кириб кетмаганига хафаман, — деди у елкалари учи.

Ана шундай. Бу давра шунақа. Ҳамма бир-бирига эт-тирноқ. Бу давра аҳлини ўша гулгул даврларда уларнинг бошидан учиб ўтган ажал товуши, шувуллаб ҳавони тилкалаган ўқлар ваҳимаси бирлаштирган. Улар тақдир иллариди тизилган мунчок доналари каби теппа-тенг эдилар ва бу тизимдан бирининг узилиб туриши, бошқаларнинг мувозанатини ҳам остин-устун қиларди. Хуллас, бу даврада улар эллик ёшдан ўтган "болакайлар"га айланиб қолишар, араз ва гина-қудратдан йироқ ҳаёт лаҳзаларидан завқланишарди.

— Демак, Раҳимбой, сенинг борингга шукр! Асқарни сенга, сени Худойимга топширдик. Кейинги шанба Жовли ҳамма пулни йиғиб сенкига олиб боради. — Эрматнинг гап ва қарори қатъий янгради. Худди жангдайдай...

2

— Нега энди айнан Санкт-Петербургда? — гингшиди Жовли. — Ўзимизда ҳам зўр шифохоналар бордир...

— Ишинг бўлмасин. Эзмалама. Питерда бир-икки ой даволанади. Кейин Германияга юборишади, — гапни қисқа қилди Раҳим.

— Қара, Бунинг аҳволига. Қопга солиб елкаламайсан-ку.

— Болалар, илтимос, раҳмингиз келсин. Узоғим яқинда, тузоғим салқинда турибди. Мени қимирлатманглр.

Милдир-милдир чўғланиб товланган тойпи узумлар тизилган ишқом остидаги қуроқи кўрпача узра ёнбош тортиб, кунботарга ўгрилиб уфққа нигоҳ қадаган Асқарнинг киприклариди ёш қалқди. "Менинг қуёшим ботаяпти-ю, буларнинг гапини қара...", — ижирғанди ўзича. "Ҳеч нарса ёқмаяпти-ку. Касалхонага олиб боришармиш..."

Раҳим унинг ўгрилиб олганини "кетинглр, мени ҳоли қолдириглр", деган маънода тушунди. Жовли кўйиндан қора елим тўрвага ўралган ғиштдай бир нарсани тапиллатиб унинг олдида ташлади.

— Ўргилдим сендай одамдан. Биз буни деб жонимиз оғриси-ю, бу тихирлигини тойхорга юк қилганига ўлайми?

Асқар ихради. Базўр бу ёнбошига ағдарилиб, супа четиди омонат чўккан икки дўстига юз бурди. Қоқсуяк ва қонсиз, ожиз чехраси кўз ёш захмида янада аянчли кўринди. Раҳим сесканди, Жовлининг эти жўнжикди ва хаёлидан: "Рангига ўлим нуқси урибди...", — деган ўй кечди.

— Ҳа, шу ерда ўлмоқчиман, ўзимнинг ўлан-тўшагимда қотмоқчиман, — деди Асқар гўё Жовлининг хаёлидагини ўққан каби. Сўнгра пул ўралган елимхалтани олиб Жовлининг олдида ташлади:

— Буни қайтариб олиб кетинглр.

У яна юзини уфққа, яримдоира чўккан офтобга бурди: "Менинг ҳам офтобим чўкиб бормоқда. Қайтиб чиқмайдиган бўлиб чўкмоқда..." Бу ўқинч унинг хаёлида жаранглади. На Раҳим, на Жовли эшитмади. Яхшиям хаёлимиздаги гаплар ташқарига отилиб чиқмайди. Агар ташқи олам ўйу ҳасратимизни эшитиб турганда эди, аллақачон бу дунё надомату оғриқ қаъри-гирдобиди йўқ бўлиб кетар, бани-башар қулоғи азоб-уқубат зарбиндан тош бити қоларди.

Асқар ҳамон осмоннинг охири — фалак қони кўпчиган алвонтус уфқдан хира нигоҳларини узмайди. Шу тобда худди жанг пайтидагидай портлаш зарбидидаги каби учқунлар сачраб кетгандай бўлди, энди у ўт кетган осмон гумбазиди базўр илиниб турган қонталаш офтоб ичра сингиб бораётган раҳматли ота-онасини кўрди. Ё қудратингдан, ота-онаси, уларнинг юзини ҳам аниқ-тиниқ кўрди. Онаси ортига қараб-қараб қўйди — улар офтоб бағрига сингиб ғойиб бўлишди. Асқарнинг ботинида яна оғриқ турди, нафаси сиқилди. Шундоғам бу дунёда ёлғизлигини ҳис қилди, тезроқ ота-онаси ортидан



кетишни хоҳлади. Тўғри-да, бу дунёда уни нима ушлаб турибди, кими бор? Э-е-е, анави Гулсарамиди? Ҳа, Гулсара. У ҳам офтоб оғушига сингиб кетаяптими? Бошида ўша сариқ дурра, эғнида печакгулли мовий штампил кўйлак. Олов ичра отилган бир тутум гулдайгина бўлиб йўқ бўлиб кетди. Асқар хира тортиб, ёшовраган кўзларини чирт юмди. Юзига ўша уфқда ўрлаган ўт оташи урилгандай бўлди. Кўзини очди. Тобора чўкиб бораётган офтобёғдуда югуриб бораётган Ольгани кўрди. Лаблири беҳол пичирлади: "Қайт... Қайт... Осмон портлаб кетади, ҳозир, қайт..." Ольга эғнида тиббиёт тўрваси, ҳарбий илвасинда уфқ томон шиддат билан чоғиб борар, жангоҳ ичра жонталаш бўлиб ётган Асқарни қутқазмоқ учун жон уҳмида югурарди.

Асқар ернинг лопиллаб кўтарилиб туриши-ю, осмоннинг гумбурлаб қоқ ёрилганини ва ўзининг қулаганини ҳис қилди. Хира чанг-тўзон ичра тепасида турган Ольгани кўрди. У чўкка тушган кўйи шоша-пиша жанг тўрвасини титкилаб, оғриқ қолдирувчи ампулани олиб, Асқарнинг қонталаш бўлиб илвирган шалвари устидан сонига уқол урди.

Қизиқ, Асқарнинг ҳеч жойи оғримаяпти. У ҳаммасини сезиб ётибди. Лаънати минани босиб олгани-ю, унинг захми кейинчалик уни бир умр сон-сафодан чиқариб ташлаши, уруғини қуйдириб, зурриёдини қуришиб юбориши-ю, касофат шу урушдан сўнг қисмат наслни нася этиши, ўн йил бирга яшаб тирноққа зор бўлгач, Гулсаранинг ҳам сабр косаси оғуға тўлиб, уни ташлаб кетиши... бари-барини билиб ётарди. Ана, у яна уфқни кўрди, атрофда ҳеч ким қолмади, осудалик, ҳеч қандай жанг-уруш содир бўлмапти — борлиқ уфқ, уфқ, уфқ... Шомталаш дамнинг сўнги лаҳзалари. Ана, Гулсара ўша сариқ дурра, оқ печакгулли мовий штампил кўйлақда шафақ шуъласига сингиб кетмоқда. Энди жавониб бирдан ёришди. Сўл қўлидан энгил яраланиб қисм тиббиёт масканига тушиб даволанаётган паллага қайтиб қолди. Ольга унинг жароҳатини спирт билан ювиб муолажа қилапти. Оқ дурраси остидан чиқиб турган олтин сочлари янада жозоба бахш этган оппоқ чехрасига ярашиқ мовий кўзлари қаърида яширинган шодӣәналик акс этиб турибди. Асқарнинг жароҳатини боғлаётиб у жилмайди, шу тобда унинг олтинтус сочлари-ю, тиниқ-теран юзи, милдираган зилол сувдай оч мовий кўзлари ҳам табассум қилгандай бўлди.

Воқеалар шу даражада ривожландики, у ҳарбий тиббиёт масканида кечган ҳамма кунларини лаҳзада бошидан кечирди — Ольга билан аҳил-иноқлик, кейинчалик палатадан унинг хонасига кўчиб ўтиши, бу ердан чиққандан сўнг то жангга боргунга қадар у яшайдиган аёллар модулига қатнагани, ўша ерда тунаб қолиши ва яна жангга чиқиши-ю, бугун мана шу минани босиб ҳаёти остин-устун бўлиб ётиши... ҳаммаси бир лаҳзадагина рўй берди. Мана у энди ётибди, хандақ ёнида, ит азобида, тепасида Ольга, э-э-й, йўқ, у ҳам кетиб қолибди, ахир, уруш тугаганига ўттиз йилдан ошиқ вақт ўтди-ку.

(Давоми келгуси сонда)



МАШХУРЛАР

Улар машхур! Лекин аҳамиятлиси уларнинг ижодларидан ташқари яна ўзигагина хос хислатлари, топган даромадлари, севги қиссалари-ю ва яна қандай рангни ёқтиришлари, ўта шахсий ишларигагина муҳлис учун муҳимдек! Санъатда шундай юлдузлар борки, бу дунёни тарқатганига қарамай ҳамон улар ҳақида етарлича шов-шувлар топилади.



Чарли Чаплин! Ҳа, кулгу қироли. Аммо унинг ҳаётида табассумга ижодидек кенг ўрин берилмаганини биласизми? У 5 ёшида катта саҳнага чиққан, сабаби ота-онаси санъаткорлар эди. Лекин ҳаёт болакайни етимлик билан сийлагач тирикчилик ташвиши бўйини эгади. Лекин қийинчиликларни деб санъатга бўлган меҳридан воз кечмайди. 1903 йили 14 ёшида у театрга ишга олинади ва "Шерлок Холмс"даги Билл ролини ижро этади. Ўқишни эрта ташлаб кетгани сабабли, бу вақтда Чарли ўқиш ва ёзишни деярли билмасди. Шу сабабли ҳам унга ролни ёдлаш учун матн берилганда, у матнни ифодали ўқиб беришларини сўрашларидан жуда кўрқарди. Ролларни ёдлаш, матнларни ўқиш ва тушунишга унга акиси Сид ёрдам берарди.



Мэрилин Монро! Гўзаллик афсонаси! Унинг ҳақиқий исми Норма Жин Бейкер бўлган. 53 ёшли киноагент Жон Хайдинг маслаҳати билан у исмини ва сочларининг рангини ўзгартиради. Мэрилиннинг болалари осон кечмаган. Оилавий можаролар сабаб бошқа оилада, кейинчалик болалар уйда яшашга мажбур бўлган. Ёш турмуш қурган актриса ҳаво йўллари заводида ишга киради ва айнан шу жойда моделликка таклиф бўлади. Кўпчилик актрисани миллионер бўлган деб ҳисоблайди, лекин аслида бундай эмас. Актриса олган энг катта гонорар «Жазада фақат қизлар» фильми учун берилган бўлиб, маблаг 300 миллион долларни ташкил қилган.

Монро 3 марта турмуш қурган. Аммо унинг АҚШ президенти Жон Кеннеди билан ишқий муносабатлари ҳақида ҳали-ҳануз гапирилади.

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Мижоз ҳақида:

Таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ номи: «FARHOD LOMBARD» МЧЖ. Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-даҳа, 51-уй, 1-хонадон. Тел. (99871) 278-11-99. Банк ва бошқа банк маълумотлар: Асосий ҳисоб рақам: 20216000705304541001; АТИБ "Ипотека банк" Меҳнат филиали. МФО 00423, ИНН: 307902708, ОКЕД 64190

Аудиторлик ташкилоти ҳақида:

Аудиторлик ташкилоти: «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ. Юридик ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор массиви, 8/1/2, Аудиторлик лицензияси: № 00747, берилган сана: 01.04.2019. 2023 йил 12 январдаги 23-019-сонли аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ «FARHOD LOMBARD» МЧЖ ЛОМБАРДнинг 2022 йил 31 декабрда якунланган йил учун молиявий ҳисоботлари

* 1-сонли шакл "Баланс ҳисоботи";

* 2-сонли шакл "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот"

шакллардан иборат бўлган ҳолда аудиторлик текшируви амалга оширилди.

Фикр.

Биз «FARHOD LOMBARD» МЧЖнинг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, балансга эслатмалар ва 2022 йил 31 декабрда якунланган йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат илова қилинган молиявий ҳисоботларини, шунингдек, бухгалтерия сиёсатининг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларини ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа эслатмаларини текширдик. Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботларда «FARHOD LOMBARD» МЧЖнинг 2022 йил 31 декабрдаги молиявий ҳолати, Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартларига (БҲМС) мувофиқ якунланган ва ушбу талабларга мос келади. Аудит текшируви Аудит Халқаро Стандартларга (АХС) мувофиқ ўтказилди.

Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ва уларни тайёрлаш учун раҳбарият ва ижро этувчи шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият ва ижро этувчи шахслар ушбу молиявий ҳисоботларни БҲМСга мувофиқ тайёрлаш ва ишончли тақдим этиши ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгар бўлади. Шунингдек, молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият ташкилотнинг ўз фаолиятини доимий равишда давом эттириш қобилиятини баҳолаш, фаолиятнинг узлуксизлиги билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилиш ва фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги тахмин асосида ҳисобот бериш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларни текширишда аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботда виждонсиз ҳаракатлар ёки хатолар туфайли жиддий бузилишлар мавжуд бўлмалиги ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик ҳулосасини чиқариш тўғрисида оқилона ишонч олинишидир. Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит доирасида биз профессионал фикрни қўлаймиш ва қўйидагиларни бажарамиз:

* хатолар ва адолатли бўлмаган ҳаракатлар туфайли молиявий ҳисоботларни нотўғри талқин қилиш ҳавфиди аниқлаш ва баҳолаш;

* ушбу хатоларга жавобан аудиторлик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; биз ўз фикримизни билдириш учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва тегинли бўлган аудиторлик далилларни оламиз;

* қўлланиладиган ҳисоб сиёсатининг тўғри хусусиятини ва бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқийлигини ва раҳбарият томонидан тайёрланган маълумотларнинг тегинли ошкор этилишини баҳолаймиш;

* Ломбарднинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тадбирларни ишлаб чиқиш учун ички назорат тизими тўғрисида тушунча берамиз.

* биз молиявий ҳисоботни умуман тақдим этишни, унинг тузилиши ва мазмунини, шу жумладан ахборотни ошкор қилишни, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг асосий операциялари ва ҳодисаларини уларнинг ишончли тақдим этилишини таъминлаш учун баҳолаймиш.

* Биз ташкилотнинг умумий бошқаруви, назорати ва аудитини ўтказиш учун жавобгармиш.

БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2023 йил 1 январь ҳолатига		
АКТИВЛАР		
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	10 242
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	2 073
30	Олинган лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	33 643
52	Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	710 520
70	Асосий воситалар, соф	6 871
100	Бошқа активлар	116 897
110	Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)	880 245
МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ		
МАЖБУРИЯТЛАР		
210	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	208 000
240	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	5 658
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	16 833
270	Бошқа мажбуриятлар	8 994
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	239 485
КАПИТАЛ		
310	Устав капитали	514 050
330	Заҳира капитали	18 000
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	108 710
360	Жами капитал (310+311+312)+320+330+340+350)	640 760
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280+360)	880 245

Молиявий натижалар тўғрисида
ҲИСОБОТ
2023 йил 1 январь ҳолатига

Код	Кўрсаткичлар	Минг сўмда
ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР		
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроразлар) бўйича фойзли даромадлар	499 471
ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР		
210	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	5 957
330	Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	493 515
ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР		
430	Бошқа фойзсиз даромадлар	122 001
ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР		
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	28 175
530	Бошқа фойзсиз харажатлар	1
540	Жами фойзсиз харажатлар (510+520)	28 175
600	ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГА АЧА СОФ ФОЙДА (330+440-540)	587 340
ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР		
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	108 334
720	Ижара ва таъминот харажатлари	58 373
740	Маъмурий харажатлар	3 417
750	Репрезентация ва хайрия	10 350
760	Эскириш харажатлари	2 766
770	Сўғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	3 790
780	Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	187 030
900	ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГА АЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	400 311
1000	Фойда солигини баҳолаш	61 601
1200	СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	338 710

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Ёнгин – "тилсиз ёв". Ундан эҳтиёт бўлиш учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш зарур.

Халқимиз ҳар қачон «Сув балосидан, ўт балосидан ўзинг асра», деб бежизга айтишмайди. Хушёрлик ва эҳтиёткорлик ўт-оловнинг хавфсизлигини олдини олувчи, ўжарлигини қайтарувчи фазилатлардир. Чунки, ўт-олов ёниб турган жойида лоқайдликка, белсандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими тизими шохобчаларида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтой фарзандларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар кўзига жозибали кўринган оловнинг ўта хавфлилиги, қайсарлиги, ногаҳон содир бўлган ёнгинларнинг оғир оқибатларини тушунириб, шу фалокатдан узокроқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур. Бунда ўқитувчи ва тарбиячиларнинг шахсий ибрати уларнинг ўз ўқувчилари хатти-ҳаракатларини назоратда сақлашлари, ўт билан ўйнаш ёмонлигини вақтида тушуниришлари жуда зарур тадбирдир. Ўқувчиларга ёнгиндан сақланиш ва

ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган бирламчи билим ва кўникмалар шу асосда сингдириб борилмоқда.

Энг аввало, мактабларда болалар боғчаларида бирламчи ўт-ўчириш воситаларининг борлиги, биналарда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ходим бириктирилганлиги уларнинг иши текширувдан ўтказилди. Синф хоналаридаги электр нуқталари текширилиб, айрим носозликлар вақтида тузатилади. Газда ишлайдиган иситиш мосламаларидан фойдаланиш учун кеча-ю-кундуз доимий навбатчилик ташкил этилди.

Бугун жаҳонга юз тутаётган Ўзбекистонимиз бойликларини, табиатни ва шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқароларни ёнгин балосидан асраш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки ҳаммамнинг муқаддас бурчидир. Ёнгинларни ўчиришдан кўра, уларнинг олдини олиш онсонроқ, буни эса ҳеч қачон есдан чиқармаслигимиз зарур.

Э.ШЕМИРОВ,

ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар

TOSHKENT OQSHOMI
Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри, Магбуотчилар
кўчаси, 32
Бош муҳаррир
Севдо НИЁЗОВА

Телефонлар:
Қабулхона (71) 233 61 10
Реклама (71) 233 28 95
Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. "Тошкент оқшом" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Магбуот ва ахборот бошқармасида
02-001-рақами билан рўйхатга олинган
Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта
Чирчиқ тумани, "Машъал"
маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

"NISO POLIGRAF"
МЧЖ босмахонаси.

Нашр учун масъул
З. НАЗАРОВ

Тошпириш вақти 00:55
Тошпириш вақти 05:00
Буюртма -



SKANER QIL